



# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz

2007 йил 23 октябрь, № 209 (4362)

Сешанба

## ВОҲДА ЖАВОҲИРИ



Ўзбекистонда  
ишлаб  
чиқарилган

“Шўртангазим” мажмуаси нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатларидаги энг йirik санаот корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ilk бор 2002 йилда полиетилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Кейинги йилларда корхонани модернизацiялаш ва ишлаб чиқаришга янги технологияни татибиқ этиш амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан,


ҳозирга келиб, 27 хил полиетилен ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, ўтган беш йил давомида 327 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.  
— 2005 йил бошида корхонамизда ISO 9001:2000 сифат менежменти тизими жорий этилди ва халқаро сертификатни қўлга киритдик, — дейди мажмуа бош

муҳандиси Тўлаган Жўраев. — Албатта, маҳсулотларимизга бўлган бундай эътироф жамоамизни янада излашига ҳамда сифат ва самарадорликини оширишга ундаётир.  
**СУРАТДА:** полиетилен цехи етакчиси Марат Муҳаммедши.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси қўйи палатадаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.



## ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШЛАРИ

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат сўғуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама-си ХДП фракцияси аъзоларининг диққат маркази бўлди. Негаки, ушбу ҳужжат партия электорати манфаатларига ҳам хизмат қилади.

“Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги, “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари ҳам фракция йиғилишида кенг муҳокама этилиб, депутатлар томонидан тегишли тавсиялар берилди.

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасидаги “давлат божи” деган тушунчани рус ва

ўзбек тилларида бир хил акс эттириш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, фракция аъзолари “Жарима тарихидаги жиноий ҳазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари юқорида номи тилга олинган Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига қўшимчалар киритишни назарда тутуви қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш лозимлигини қайд этиб, бу борадаги ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қ. ХИДИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф бурурган Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа бўйича департаменти директори Жак Фор раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм, ҳуқуқ тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилнинг август ойида эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим ҳазонини бекор қилиш тўғрисида”ги ва “Қамқоқ олишга санкция бериш

ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Европа мамлакатлари томонидан ҳам юксак баҳолангани қайд этилди. Ушбу ҳужжатлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги саяё-ҳаракатларнинг манتيқий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараён-

лар, Омбудсман институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбекистон Франциянинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан, — деди Жак Фор. — Франция Ўзбекистонда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзаро алоқаларимизни барча соҳаларда кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболли порлоқдир.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Андижон вилояти фаолларининг йиғилиши жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар таҳлили ва Президент Ислам Каримовнинг шу йил 12 февраль кuni бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.

Вилоят ҳокими А.Усмонов бошқарган йиғилишда 2007 йилда иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларининг бажарилиши ва 2008 йилги мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини иситиш мавсумига тайёрлаш, давлат бошқаруви органлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларига ахборот-ком-

муникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш, пахта йиғим-терими мавсумини яқунлаш, кузги-кишки дала ишларини амалга ошириш масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодиётнинг қатор жабхаларида муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга ўсди. Давлатга галла ва пахта сотиш

бўйича шартнома мажбуриятлари ортири билан бажарилди. Шу билан бир қаторда айрим ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида ислохотлар суост амалга оширилмоқда. Олтига корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига йўл қўйилган. Хонобод шаҳри, Асака, Балқоқоши, Бўз, Балиқчи, Пахтабод, Қўрғонтепа ва Шаҳрихон туманларида аҳолига пуллиқ ҳамда маший хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари

вилоятдаги ўртача даражадан ҳам паст.

Йиғилишда вилоятда касаначиликни ривожлантириш вазифаси 119 фоизга бажарилгани, “Семурғ” ва “Чувама” акционерлик жамиятларида эса бу кўрсаткич атиги 61 ҳамда 78 фоизни ташкил этгани қайд этилди.

Жойларда, чунони, Улўнор, Шаҳрихон ва Избоскан туманларида куз-киш мавсумига қишлоқ хўжалик озқасини гам-

лашга етарлича эътибор қаратилмапти.

Вилоят фаоллари йиғилишида бажарилган ишлар яқунлари сарҳисоб қилиниб, камчиликлари бартараф қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича муайян чоралар белгиланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

С. ШУКУРОВ,  
ЎЗА мухбири.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида ҳам фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

## МАҲСУЛОТТА ТАЛАБ КАТТА

Бухоро шаҳридаги “ЎзКореймедикал” қўшма корхонасида бир марта фойдаланиладиган 5 ва 10 миллиграммли шприцлар ишлаб чиқарилаётган эди.

Бозор талабларини чуқур ўрганган корхона жамоаси 2 миллиграммли шприцлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Бу ерда ойига ўртача 4-5 миллион дона шприц ишлаб чиқарилмоқда.

— Ички бозорда маҳсулотларимизга талаб катта, — дейди қўшма корхона директори Санобар Остонава. — Киркдан зиёд ишчи-муҳассисларимиз Тошкент шаҳри ва қўшни вилоятлардаволаш муассасаларидан тушган буюртмаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Э. ЕДГОРОВ,  
ЎЗА мухбири.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар талаблари жойларда қандай бажарилмоқда? Бу соҳани янада ривожлантириш учун қандай қўшимча имкониятлар бор?

## КИЧИК БИЗНЕС — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Қашқадарё вилояти филиали ҳамда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати ана шу саволларга жавоб топишга бағишланди. Унда иштирок этган олимлар, тadbиркорлар, молия-банк тизими вакиллари мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ишончли ҳуқуқий асос яратилганлигини, эндиликда уларда белгилаб берилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда воҳа бўйича 73200 та кичик корхона фаолият кўрсатаётгани, фақат шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 3800 та кичик бизнес субъекти ташкил этилгани, уларнинг вилоят ялли ички маҳсулотидеги улуши 39,9 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, давра суҳбати қатнашчилари жойларда кичик бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашш, уларнинг ишига ҳалақит бериш ҳоллари учраётганига эътибор қаратдилар.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### БОЛАЛАР УЧУН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтган “ИСТЕХРО-2007” ахборот технологиялари миллий кўргазмасида “Ахборот технологиялари — болаларга” тadbiri ҳам ўтказилди. Бунинг натижасида кўргазмада иштирок этган компаниялар таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон П-ассоциацияси даъватига биноан, пойтахтимиздаги қатор муассасаларга техник ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциациясида болалар муассасаларига сов-

галарни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги 21, 22-“Меҳрибонлик уйлари”, 2-мактаб-интернат, 31, 69, 231-мактаблар, “SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллари”га компьютерлар, принтерлар, сканерлар, қўллаб ишларни бажаришга мўлжалланган мосламалар топширилди. Ушбу хайри тadbirда Agata Impex, Balk Technologies, Beeline, Intelligent Solutions, I-teco Tashkent, Sharifa-T, USD каби компаниялар иштирок этди.

(ЎЗА).

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қувасойлик ўсмирлар, мактаб ўқувчилари ҳар йили октябрь ойини орзиқиб кутадиган бўлиб қолишган. Бойси, айнан бу ойда «Навқирон олтин куз» байрами ўтказилади.

### ҚУВАСОЙНИНГ «ОЛТИН КУЗИ»

Бу йил байрамга шаҳардаги 1-мактабнинг юқори синф ўқувчилари мезбонлик қилишди. Улар қўшни мактаблар, маҳаллалардан ташриф бурурган тенгдошларига хўнларларини, қизлар эса куз дастурхонини қандай безатиш борасидаги истеъдодларини намойиш этишди. Айниқса, байрам қатнашчиларида куз неъматлари —

мева-чевалар, узумлар, қовун-тарвулардан яратилган дастурхонлар, кўргазмалар янги таассурот қолдирди.

Байрам ёшлар ижоди намуналари тақдими, куй-қўшиқлар билан янада жозиба касб этди.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Йил аёли»

Урганч шаҳрида «Йил аёли» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар саралаш босқичларида ғолиб булган 11 нафар аёл қатнашди. Улар томонидан тайёрланган ўзига хос миллий либослар, нафис зардўзлик, каштачилик ва қандолатчилик маҳсулотлари, рўзгор буюмлари, шунингдек, ўз даласида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпчилида қизиқиш уйғотди.

Танловда «Зулфия-Севинч» хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Машарипова ғолиб деб толилди ва у республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Ичимлик суви таъминоти яхшиланди

Шуманай туманининг бутун аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди. «Ороқшилоқхўжалиқсувгазурилиш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси «Туямўйин» сув тармоғидан туманга — 26 километр масофага қувурлар ётқизгач, шундай имконият яратилди.

Янгибой КҮЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Мини завод плиталари — харидоригр

Тadbиркор Шухрат Тожибоев Андижондаги инкирозга учраган темир-бетон маҳсулотлари заводини «Кимощди» савдосида сотиб олиб, йўлақларга, майдон ва хибонларга ётқизиладиган турли шакл ва ҳажмдаги бетон плитачалар ишлаб чиқара бошлади. Бундай маҳсулотлар эса харидорларга манзур бўлмоқда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «Жакфа агромир» иш бошлади

Жомбой туманидаги «Жакфа агромир» масъулияти чекланган жамиятида мақорон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан олинган кредит ҳисобига ташкил этилган бу корхонада бир кеча-кундузда 7 тонна маҳсулот тайёрланиб, туман ва Самарқанд шаҳридаги савдо шохобчаларига шартнома асосида етказилиб берилмапти.

Абдурусул САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар — сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан номзодларнинг кўрсатилиши, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг тўғри йўналишда олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, фуқаролик жамияти

қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган халқимиз бугун жаҳон ҳамжамиятида тўплаган тажрибадан тўлиқ фойдаланаётганлиги ҳам намойён бўлмоқда. Ва айна вақтда бугунги сайловлар жиддий демократия мактаби, бошқача айтганда, Ўзбекистонда шаклланаётган демократия мактабининг жиддий синови бўлади, деб таъкидлаб ўтиш жоиздир.

ловчилар умумий микдорнинг сақийсиз фозидан ошмаслиги керак. Албатта, сайловчи фақатгина битта номзодни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкин. Имзоларни тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловлоди тадбирларида амалга оши-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил август ойида бўлиб ўтган ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар орасида «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам бор. Мазкур ҳужжат Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди. Ҳўш, янги қонунни ҳаётга татбиқ этишга қандай омиллар асос бўлди?

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ ВА ШАРТИ

СОҒЛОМ МУҲИТ АСОСИ

Маълумки, Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари ўз курултойини, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса ўз йиғилишини ўтказиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўра, номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланган ва қирқ беш кун қолганида тугаши лозим. Яъни, қонунда белгиланган ушбу кунлар оралиғида, қоронди таъкидлаб ўтганимиздек, сиёсий партиялар ўз курултойини, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса ўз йиғилишини ўтказишлари зарур бўлади.

публикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишлари зарур. Шу ўринда, мамлакатимиз миллий қонунчилигини фарқли ўларок, хориж тажрибасида қўшимча талаб сифатида «сайлов гарови», яъни номзод томонидан сайловда иштирок этиш учун гаров сифатида мур-айян микдордаги маблағларнинг номзод эки номзодни кўрсатган сиёсий партия томонидан тўлашни талаб этилиши қўшимча талаб сифатида қўйиш мумкин (масалан, Франция, Ирландия давлатларида). «Сайлов гарови»нинг қўлланилиши, фикримизча, ўз навбатида, айрим сиёсий партияларнинг, одатда кичик сиёсий партияларнинг эки алоҳида номзодларнинг сайловда қатнашиш имкониятини чеклаб қўйиши мумкин. Албатта, қўшимча талаб сифатида «сайлов гарови»нинг

рилади, имзо қўйишга мажбурлаш эки таъкиб қилишга йўл қўйилмайди. Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи бу жараёни Марказий сайлов комиссияси узил-кесил қарор қабул қилганидан ва сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вақлига рўйхатга олганлик ҳақида гувоҳнома ва имзо варақаларининг бланкасини бергандан сўнг амалга оширишлари мумкин. Бинобарин, имзо тўплаш жараёни таомиланган, сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши, Марказий сайлов комиссияси эса, ҳужжатларни тақдим этган шахсга ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотномани бериши ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муд-

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 28 мартда «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига қўра, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Бош прокуратурага тегишли идоралар билан биргаликда яширин қимор ўйинлари ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш учун қиморхоналар фаолиятига чек қўйиш, шунингдек, ушбу ўйинлар ташкилотчиларининг ноқонуний ҳаракатларини тугатиш устидан таъбирчан назоратни таъминлаш топширилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишнинг янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, эндиликда қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти давлат томонидан қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ барча норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эндиликда бундай ўйинларни ўтказиш, лицензия бериш қатъиян ман этилди. Бу юқоридики келтирилган ўтганимиз «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда тўла аксини топган.

«Ҳар бир кишига алоҳида турар жой!» Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ ана шу широр остидаги ҳаракат тўғрисида авваллари ноқулай шароитда яшаш келган оилалар ўзининг уйи ва томоққасига эга бўлди. Бугун шаҳар ва қишлоқларда янги маҳаллаларда олиб борилаётган яқка тартибдаги қурилиш ишларининг қўламини қараб, ҳайратга тушади, киши. Ҳўш, бу турар жой биноларининг мезморий ечими қандай? Қурилиш учун ажратилган ер майдонларидан мақсадли фойдаланилганими?

Техник ангилашнинг шарофати



Энгил саноат

Учқўприк туманидаги «Хумо-Уч» акциядорлик жамияти фаолият кўрсата бошлаганига йил ўтди. Утган давр мобайнида бу корхонанинг қалава ити юқори сифати билан ташқи бозорда ўз мижозларини топа олди. Натияжада кейинги йилларда

шартнома имзолади. Унга қўра, жорий йил бошида янги техникалар келтириб ўрнатилди. Пировардда қалава ил ишлаб чиқариш йиллик қуввати 1670 тоннадан 4000 тонмага етказилди. Қўшимча 300 та иш ўрни очилди. Жамоа йил охири-

Пишиқ-пукта ва кўркам бўлсин

Келинг, ушбу масалалар қай даражада ҳал этилаётганини Наманган вилоятининг аҳоли зич яшайдиган, Янгикўрган тумани мисолида кўриб чиқайлик. Аввало, шунга айтиш кераки, бу тумanning бугунги харитаси ўн олти йил аввалгисидан бутунлай фарқ қилади. Унда янги-янги аҳоли яшайдиган пунктларнинг белгилари пайдо бўлган. Бу — табиий ҳол. Чунки аҳоли сони ўсаяпти, кишилар алоҳида турар жойга эга бўлиш бўйича конститутивий ҳуқуқларидан фойдаланишяпти. Маълумотларда 1989 йилдаги рўйхат бўйича туман аҳолиси 136 минг кишидан иборат бўлганлиги кўрсатилган. Орадан 15 йил ўтиб, бу кўрсаткич 166 минг кишига етди. Утган даврда Президентимизнинг томоққа учун ер участкалари ажратилиши, уй-жой қурилишини рағбатлантиришга қаратилган фармонлари асосида катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Биргина 2004 йилнинг ўзида одамларга яқка тартибдаги қурилиш учун 38 гектар ер ажратилди. Сўнгги беш йилда эса бу кўрсаткич 143 гектарни ташкил этди.

ЯНА 34 ТА СТАНЦИЯ ИШГА ТУШАДИ

«Уздунробита» МТС корхонасининг Хоразм вилояти филиали «Нанавей» компаниясининг 34 та янги алоқа станциясини сотиб олиб ўрнатди. Ушбу станциялар қўриқларда ишга туширилди. Бунга абонентлар сони ортиб бораётганлиги сабаб бўлди. Энди «Уздунробита»

та» МТС вилоят филиали яна 250 минг абонентга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Хозирда вилоятда 74 та ана шундай станция ишлаб турибди.

Мавзу

хам икки-уч қаватли уйлар курси бўлади. Жойларда бунинг унда-сидан чиқадиған пудратчи ташкилотлар мавжуд. Янгикўргонда эса, бошқа туманлардан фарқли ўларок, утга гишт корхонаси тўла қувват билан ишлаб турибди. Қурилиш соҳаси мутахассисларидан бўлиши Анваржон Дадаровнинг фикрича, илгари битти ишоот уч-тўрт йилда қуриларди. Хозир бунга 6-7 ой киёф. Ишчи кучи, техника, бинкорлик материаллари танлаб олинади. Икки қаватли турар жой биносини тиклаш эса сираям муаммо эмас. Аҳоли буюр-юртига берса, бас. Лойихасини қурувчиларнинг ўзлари чизадди, эгасига маъқул келса, ишга киришади. Бунга уларнинг нархи — наир бурса, 15-20 миллион сўмга тушади. Бирок улар камидан бир асрга ярайди. Сейсмик жиҳатдан ҳам мустахкам бўлади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли босқичларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилар экан, жумладан, «Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натияжада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади» деб алоҳида таъкидлади.

САРМОЯНИНГ БУНЁДКОР КУЧИ

Туман давлат архиви бошлиғи Тўрғунбой Қодиров шундай дейди:

Ҳап инвестиция ҳақида кетганда, аввало, «Шунча микдордаги инвестиция бизга нима учун зарур бўлди? Ва у иқтисодийимиз раванкига қандай наф берди?» деган саволларга жавоб топишга тўғри келади. Жавоб бор! Лекин бу ҳусусда фикр юриштидан аввал инвестиция қай даражада жозибадор кучга эга эканлигини билмоқ учун бир мисолни келтириш ўтасқ. Айтиайлик, каттақонорхонада 800-1000 нафар ишчи-хизматчи, техник-муҳандис меҳнат қилади. Уларнинг муқим иш билан бандлиги, даромаднинг ошиши, турмуш тарзининг яхшиланиши шу корхонанинг барқарор фаолиятига боғлиқ. Бу ерда эса, афсуски, мавжуд асбоб-ускуналар аллақонан ўз «умри»ни яшаб бўлганлиги тўғрисида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бугунги бозорнинг талабига жавоб бера олмайди; сифатсиз-да. Шундай экан, унга талабдор топилмайди — омборда қалашиб ётаверади. Бу ҳудудда ўлғаштирилган майдонлар қолмаган. Демак, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган мавжуд ерларнинг ҳар қаринини кўз қорачиғидек асраб, қадрилар долзарб масалалардир.

дан бизга мерос бўлиб қолган корхоналарнинг аксариятида шундай ачинарли ҳолат ҳукм сурарди. Соҳадаги ана шу кескин мунозарасиблики барқарор эйтиш мақсадида 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи чакиркиқ Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Юрбюросини раҳамомлиги ва бевосита ташаббуси билан республикаимиз иқтисодийотини қайта қуриш, уни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор йўналишлари, бу йўналишларнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилан берилди. Қимматбаҳо махсулотимиз — пахтани қайта ишлаш асосида ундан тайёр махсулотлар тайёрлаётган қўшма корхоналар ташкил этилиши, уларни, биринчи навбатида, меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига, аниқроғи, қишлоқларга яқинлаштириш вазифаси — шулардан бири эди.

он АҚШ доллар микдориди сармоя киритилди. Натияжада янги тўқимачилик корхоналари қаторида Тошкентда нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хобас-ТАПО» ва сантехника жиҳозлари тайёрланадиган «Ўзсмантана-Сантехника» қўшма кор-

Муносабат

билан савдо қилиш учун айнан чет эллик сармоядорлар маблағлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар сув ва ҳаводек зарур эди. Шу мақсадда қисқа вақт ичиди Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида «Қабул Ўзбек Ко» ва «Чинон тўқимачи ЛТД», Қоракўлтўғиёстон Республикасида «Элтекс», Хоразм вилоятида «Гурлантекс», Наманган вилоятида «Косонли-Текмен» ва «Поп-фен», Фарғона вилоятида «Қабул-Фарғона компани», Андижон вилоятида «Балиқчиқестиль» ва «Ойимтекстиль», Бухоро вилоятида «Бухоротекс» ва «Қоракўлтўғиёстон», Сурхондарё вилоятида «Сурхонтекстиль», Қашқадарё вилоятида эса «Қаштекс» ва «Оқсарой тўқимачи» сингари ўнлаб қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Аниқроқ қилиб айтсак, 2000 йилнинг ўзида инвестиция дастурига қўра, иқтисодийимизга салкам 810 милли-

«Тош Қа Текстиль», Чирчиқда «Бурсел-Тошкенттекстиль» каби яна 17 та қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Уларнинг умумий қиймати 180,6 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Инвестициянинг бунёдкор кучи, айниқса, янгидан барпо этилган, модернизация қилинган, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланган Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари, Асака ва Самарқанд автомобиль заводлари, Тошкент трактор заводи ва «В. Чкалов номидида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти фаолияти мисолида яққол намойён бўлмоқда. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда тараққиётимизнинг ҳақиқий лоқомети бўлган айланганнинг бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Шуниси эътиборликки, бундай корхоналар ҳозирда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, шаҳар ва туманида ишлаб турибди. Уларнинг шарофати тўғрисида нафақат одамлар онгу тафаккури, балки ҳудудлар тизими ва қиёфаси ҳам тубдан ўзгармоқда, аҳоли турмуши тобора яхшиланаётти, давлатимиз иқтисодиёти эса изчил ривожланиб, унинг ўсиш суръати барқарорлиқ касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқимиз томонидан янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган, пировард натижада одамлар манфаатлари учун хизмат қиладиган фаол инвестиция сиёсатини юриштишга устувор аҳамият берилаётганининг самараси, албатта.

— Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойили тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, — деб ўқитди давлатимиз раҳбари.

Демак, амалда халқимиз учун янада муносиб турмуш шароити яратилади, одамларнинг даромади ва фаровонлиги тагин-да ошади. Хозир юртимиз аҳли шундай ишонч билан яшаймоқда, ҳар бир инсон ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилоқда.

Дарҳақиқат, энди ҳар бир ишга бугун ва эртангин масъулияти билан ёндашиб, опис-яқиндаги тажрибаларга бир

Кудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқром ЎТБОСАРОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тарихда илк бор...

Дам олиш кунини Швейцарияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Мазкур сиёсий жараёнда Халқ партияси 29 фоиз овоз тўплаб, галабага эришди. Иккинчи ўрин 19 фоиз овоз йиққан Социал-демократик партияга насиб этди.



Шунинг айтиши жоизки, Швейцария парламенти сайловлари тарихида илк бора қора танли депутат сайланди. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги таркатган хабарларга кўра, келиб чиқиши асли англоалик бўлган, унгар асрининг 80-йилларидан буён Швейцарияда яшаётган ҳуқуқшунос Рихардо Луменго депутатликка Социал-демократик партиядан сайланди.

Корхонага ўт тушди

Хитойнинг жануби-шарқидagi пойабзал корхонасида ёнгин рўй берди.

«Франс-пресс» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, ёнгин оқибатида 34 киши ҳалок бўлди. Яна 20 дан ортиқ одам турли тан жароҳатларини олди.

Ушбу фабрика мамлакатнинг Фуцзянь музофотида жойлашган. Аини дамда ёнгиннинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилмоқда. Маҳаллий маъмурият вакилларининг билдиришича, бу фабрика ноқонуний фаолият юритаётгани.

Бхуттонинг эътирози



да АҚШ ва Буюк Британия ҳам иштирок этишини сўради.

У бу ҳақда «The Times» газетасига берган интервьюсида алоҳида таъкидлади. Бхутто Покистон ҳукумати томонидан ўтказиладиган расмий суриштирув ишларига ишонмаслигини билдираётти. Жумладан, у халқ билан учрашуви чоғида нима сабабдан кўча чироклари ўчириб қўйилганини билганини талаб этмоқда.

Покистоннинг собиқ бош вазир Беназир Бхутто 18 октябрь кунини Карачида содир этилган террорчилик иши юзасидан суриштирув ишларини олиб бориш-

Губернатор мурожаати

АҚШнинг Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер ўз ҳудудидаги ўрмонларда тобора аланга олаётган ёнгинни ўчириш имконияти топилаётгани боис фавқулодда ҳолат эълон қилди.

РИА «Новости» агентлиги хабарига кўра, ёнгин бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. 14 киши жароҳатланди. Ҳозирда Лос-Анжелес, Орэинж, Сан-Бернардино, Сан-Диего, Санта-Барбара ва Вентура графликларида хавфсизлик чоралари кўчатилияпти.

Мутахассисларнинг билдиришича, кучли электр манбасини етказувчи симнинг узлиб кетиши натижасида ёнгин келиб чиққан бўлиши мумкин. Маҳаллий ҳукумат вакиллари ёнгин икки кун ичида ўчирилишини тахмин қилишмоқда.

Польшада сайловлар

Польшада навбатдаги парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Давлат сайлов комиссиясининг расмий ахборотида муҳофизатдаги «Фурорлик платформаси» партияси 41,24 фоиз билан муваффақият қозонганини қайд этилди. «ИТАР-ТАСС» хабарларига кўра, Польша ҳукумати партия етакчиси Дональд Туск бошқаради.

Шу кунгача ҳукуматни бошқариб келган бош вазир Ярослав Качиньский бошқа-

рувидаги «Хуқук ва адолат» партияси 32,19 фоиз овоз йиғди. «Сўл кучлар ва демократлар» блокига эса сайловчиларнинг 13 фоизи овоз берди.

Сейм ва Сенатга ўтказилган ушбу сайловларда иккита сайлов участкасига бюллетенлар етмай қолди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Иссиқхона» деганда, одатда кўз олдимизда тўрт томони қалин ойналар билан ўралган, ҳатто тепа қисми ҳам ойнаванд ва истиши ускуналари ўрнатилган иншоот гавдаланади. «Хорун ар-Расул» фермер ҳўжалигининг иссиқхоналари асло ундай эмас. Улар оғир кўл меҳнати, ортиқча харажатни талаб этмайди.

Плёнкали иссиқхона:

ҲАМ АРЗОН, ҚУЛАЙ

Монтаж қилинган арматура устига тўшалган қалин плёнка ойнага қараганда ўн баробар арзон. Кўёш нури ва ҳароратни тез ўтказди. Истиши қурималари ҳам унчалик зарур эмас. Бундан ташқари, ҳўжалик раҳбари Расулжон Иброҳимов иссиқхона шaroитида сабзавот экинларини томчилаб сугоритиш усулидан фойдаланади. Бу технологиянинг афзаллиги шундаки, очик далага экилган бир тул помидор кўчати учун 11 литр сув ишлатилса, янги усулда бор-йўғи бир литр сув kiffo қилади. Минерал ўғит ҳам эгитларга солинмайди, аксинча, сувга аралаштириб юборилади. Шу тариқа ўғит сарфи кескин камаяди.

Бир сўз билан айтганда, асакалик фермер яратган иссиқхоналар қулай ва у узок вақт хизмат қилади. Яна бир муҳими жиҳати, бу иссиқхоналарни сизот сувлари яқин, тулпроқ таркиби турлича бўлган ерлар ва ҳатто адирликларда ҳам қуриш мумкин.

Шу боис бугунги кунда Асакада ойнаванд иссиқхоналар ўрнини маҳаллий шароитга мос плёнкали иссиқхоналар эгаллай бошлади. Унлаб томорқачилар шу услубда ҳосил етиштирмоқдалар. Са-

мара аён: маҳсулот таннархи арзон, сифати эса аъло.

— Бизда адирликлар жуда кўп, — дед

Янгилик

мулоҳаза юритади Ниязботир қишлоғида яшовчи фермер Ҳошимжон Парпиев. — Айниқса, Мархамат, Андижон, Пахтаобод ва Булоқбози туманларидаги адирликларнинг ёнбағрида табиий газ, оқин сув талаб этмайдиган иссиқхоналар қуриш мумкин. Узимдан мисол. Муста-

қилигимиз байрами арафасида паррандахона билан иссиқхонани қуриб битказдим. Ҳар икки иншоот узоғи билан икки ойда қўлдан чиқди. Йигирма нафар киши ишти бўлди.

Пахтаобод тумани ҳокимлиги эса «Зи-лола-Висола» фермер ҳўжалигига иссиқхона қуриш учун 0,5 гектар ер берди. Миллий банк томонидан қурилиш ишлари учун 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу кунларда янги бўйбўй этилган иссиқхонада олти минг тул бодринг кўчати парвариш қилинмоқда. Пахтаободликлар энди киши бўйи табиат-

нинг ана шу нёъматидан баҳраманд бўладилар, албатта.

Яна бир тадбиркор Дехқонбой Тўйичев ҳам 0,35 гектар майдонда плёнкали иссиқхонани тикляпти. Халқ банки томонидан ажратилган етти миллион сўм маблағ ҳисобига мазкур иншоот ҳам ҳадемай ишга туширилади.

Марказий Фарғона Ҷўли ҳудудида жойлашган Улуғнор туманида яшовчилар ҳам бундан кейин киши кунлари бодринг, помидор, ош кўки, булғор қалампирини ва қарам излаб шаҳарга бормайдилар. Бу туманда 28 та иссиқхона қурилмоқда. Шу мақсадларга 150 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Иссиқхоналар — сeрoбчилик ва арзончилик манбаи. Қолаверса, у оила иқтисодийига салмоқли маблағ ҳам олиб келади. Андижонлик тадбиркорлар ва фермерларнинг оддий услубдаги плёнкали иссиқхоналар қурилишига эътибор қаратаётганликларининг сабаби шунда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 июлдаги 140-сонли қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 18 июль кунидagi 637-сонли қарорларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жойлашган қурилиш тугалланмаган ва бўш турган маъмурий бино ва иншоотларни сотиш юзасидан

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»

сизларни 2007 йил 23, 30 октябрь ва 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 16.00 да бўлиб ўтадиган танлов савдоларига таклиф этади.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани бўйича: - «Сувчи» даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси — 894 275, 28 АҚШ дол. «Бинокор» кўрғонда жойлашган қурилиш тугалланмаган болалар боғчаси. Бошланғич баҳоси — 126 843, 89 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани бўйича: - «Янгиобод» даҳаси, Шоҳсанам кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси — 632 401, 07 АҚШ дол. «Галабанин 40 йиллиги» мавзесининг, 1-даҳасида жойлашган қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси — 432 220, 00 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани бўйича: - «Спутник-16» даҳасида жойлашган қурилиш тугалланмаган «Савдо маркази» биноси. Бошланғич баҳоси — 209 964, 80 АҚШ дол. «Спутник-17» даҳасида жойлашган қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси — 772 039, 67 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани бўйича: - «Феруза» даҳасида жойлашган қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани бўйича: - 19-мавзе, «Қариялар пансионати» ёнида жойлашган қурилиш тугалланмаган «Интернат уйи» биноси. Бошланғич баҳоси — 553 350,94 АҚШ дол.

Шунингдек, қуйидаги объектларнинг танлов савдолари 2007 йил 30 октябрь ҳамда 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 16.00 да бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани бўйича: - Пушкин кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган гараж биноси. Бошланғич баҳоси — 316 200,53 АҚШ дол. - Ф. Ҳўжаев кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган бўш турган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 1 976 253,34 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани бўйича: - Нилуфар тор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган қурилиш тугалланмаган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 134 252,44 АҚШ дол.

Танлов шартлари: - Энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - Қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қондалари (КМК) талабларига мувофиқ қурилишни тугатиш; - қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни қиритиш; - объектни негизда ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш; - янги иш жойларини ташкил қилиш; - объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдолан уч кун аввал тўхтатилади. Талабдорлар танлов савдосидан камидан уч кун аввал ўз таклифларини (бизнес-режаларини) танлов шартлари бўйича ариза ва тўлов қорғозига қўшимча тарзда конвертта муҳрланган ҳолда тақдим қилишлари шарт.

Сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидagi Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини миллий валютада «Municipal Aukcion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли» МФО 00444, СТИР 300053338, 2020800004555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб — касса марказидаги МФО 00014, 2150 8840 0006 0028 9001 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04, 144-88-03.

Гувоҳнома: № 001568 - 09

Трубы полиэтиленовые. Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки. Для водоснабжения, газоснабжения, канализации, кабельных работ и др. Форма оплаты — безналичный расчет. Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 3682525. E-mail: trubs\_uz@mail.ru

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ. Нархлари ошиб бориш тартибида 2007 йилнинг 22, 29 ноябрь ва 6 декабрь кунлари соат 11.00 да қуйидаги мулкый мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 11-0622/11462-сонли иш юзасидан 2007 йил 12 сентябрдаги қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ва «Металлпластмасс» ОАЖ кредиторларининг 2007 йил 11 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра, «Металлпластмасс» ҲЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, «Самарқанд» кўчаси 215-уй манзилида жойлашган, «Металлпластмасс» ОАЖнинг мол-мулклари, мулкый мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 432 000 000 сўм. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С. Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Урозов кўчаси, 1-даў уй. Қўшимча маълумотларни 228-7952 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз. Лицензия: ДВ 001 №000004

«Крокус Газ Сервис» ҚК. «Газевейс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади: • горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт); • буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача); • икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт); • ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача); • ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача); • ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача). Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой. Қўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари: 1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, санoат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73. 2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кескишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

2007 йил — Ижтимоий Ҳимоя йили. Юртимизда ҳеч кимнинг эътибордан четда эмаслиги, меҳрга ташна инсонларга гамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бугун амалда ўз исботини топаётти. Айниқса, жорий — Ижтимоий Ҳимоя йилида фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш ҳар қачонгидан долзарб вазифага айланди. Меҳрдан дунё мунаввар

Хусусан, бу борадаги ишлар Хатирчи тумани ижтимоий таъминот бўлимида самарали олиб бoрилмоқда. Бўлим 2004 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқарога кўмак бeриб кeляпти. Шулардан 77 нафари ўзгалар қарамоғига муҳтож ёлғиз фуқаролар бўлиб, уларга бевосита ташкилот, корхона, фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорларга бириктирилган. Бўлим ёлғиз фуқароларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий шароитларини яхшилаш, уларга озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бeришга ҳам доим эътибор қаратмоқда. Бундай фуқаролар диспансeр қўриғидан ўтказилиб, марказий шифохонада соғломлаштириш муолажаларини олмақдалар. 41 нафардан зиёд фуқаро бeпул дори-дармон ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Бундан ташқари, қўллаб кам таъминланган оилалар ҳомий ташкилотлар ёрдамида уй-жойли бўлди.

Халқимизда азалдан ёши улғ кексаларга гамхўрлик кўрсатиш савоб амаллардан саналиб келган. Шу маънода, хатирчиликлар жисмонан мажруҳ, ёлғиз ва қаровга муҳтож кексаларга гамхўрлик кўрсатишни қанда қилишмайди. Ижтимоий таъминот бўлимида уларнинг рўйхати тузилиб, ҳар бир кексанин соғлиғига доимий эътиборда бўлувчи ҳамшира тайинланди. Шунингдек, ёрдамга муҳтож қарияларнинг 70 нафарига Хатирчи тумани меҳнат бўлими томонидан қаровчилар бириктирилган бўлиб, улар шартнома асосида хизмат кўрсатишмоқда. Бу ишларда бўлим Қизил ярим ой ва Ноғиронлар жамиятлари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан фаол ҳамкорлик ўрнатган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: Австралия доллари 1145,48, 1 Малайзия рингити 379,32, 1 Англия фунт стерлинги 2609,03, 1 СДР 1990,09, 1 Дания кронаси 244,11, 1 Туркия лираси 1061,25, 1 БАА дирҳами 348,42, 1 Швейцария франки 1085,84, 1 АҚШ доллари 1279,44, 1 ЕВРО 1818,72, 1 Миср фунти 231,34, 10 Жанубий Корея вони 13,95, 1 Нисландия кронаси 21,27, 10 Япония енаси 109,75, 1 Канада доллари 1312,11, 1 Россия рубли 51,36, 1 Ҳитой воани 170,28, 1 Украина гривнаси 253,35. Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни уйбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

